# O‘ZBEKISTON QISHLOQ VA SUV XO‘JALIGI

ISSN 2181-502X

№ 3. 2019



# ДИСКЛИ ТИРМАЛАРДАН САМАРАЛИ ВА МАҚСАДЛИ ФОЙДАЛАНИШ

Маълумки, ер юзида об-ҳаво шароитининг глобал ўзгариши қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам катта муаммоларни келтириб чиқармоқда. Айникса, баҳор фаслининг эрта бошланиши – кузда шудгорланган майдонлардаги бегона ўтлар уруғининг эрта униб чиқишига ва уларнинг баравж ривожланишига олиб келмоқда.

Бу шароитда тупроқ намлиги ва ҳаво ҳароратининг юқори бўлиши бегона ўтлар ва сидерат ўсимликлар бўйининг қишлоқ хўжалиги экинларини экиш давригача 30–40 см ва ундан ҳам юқори бўлишига имконият яратмоқда.

Натижада бу майдонларда экинлар экишдан олдин тупроққа ишлов бериш (тупроқни юмшатиш, чизеллаш, молалаш ва бошқалар) ва ҳатто экиш ишларини бажариш муддатларининг чўзилиб кетишига ҳамда уларнинг сифати кескин пасайишига олиб келиши кўп йиллик тажрибалар асосида аниқланган.



1-расм. Тишли тирма

Ишлов бериладиган майдонлардаги поясини баландлиги 5–10 см. гача бўлган бегона ўтларни йўқотишда тиркама ёки осма бир қатор қилиб ўрнатилган ЗБЗТХ-1,0 русумли енгил тишли тирмадан иборат агрегатлардан фойдаланиш яхши самара беради (1-расм).

Агар бегона ўтлар ва сидерат ўсимликлар поясининг бўйи 10 см. дан юқори бўлса, уларни йўқотишда БДН-3 русумли осма дискли тирмалар билан тупроққа ишлов бериш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бунда ўсимлик поялари 5–10 см узунликда қирқиш билан бирга 10–12 см чуқурликда тупроқ остига кўмиб кетилади(2-расм).




2-расм. БДН-3 осма дискли тирма

Шунга алоҳида эътибор бериш керакки, дискли тирмаларни кўп йиллик, илдизидан кўпаядиган бегона ўтлар (ажриқ, ғумай, қамиш ва ҳ.к.) билан ифлосланган майдонларда ишлатишга умуман рухсат этилмайди. Чунки бу тирмаларнинг ишчи қисмлари (дисклари) ўтларнинг илдизларини майда бўлакларга қирқиши ва уларни тупроққа кўмиб кетиши оқибатида келгусида бу майдонларни ушбу ўтлар билан ифлосланиш даражасининг кескин ошишига олиб келади. Бундай майдонларга махсус чизель-культиваторлар билан ишлов бериш, тупроқ юзасига чиқарилган бегона ўт илдизлари ва пояларини териб олиш ва даладан чиқариб ташлаш ишларини амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Кузда ҳайдалган, бегона ўтлар билан ифлосланган майдонларга экишдан олдин ишлов беришда қуйидаги:

- бегона ўтлар босган майдонларга ишлов беришда иложи борича ишчи қисмлари бир қатор ўрнатилган енгил осма агрегатлардан (трактор ва тирмалардан) фойдаланиш;
- дискли тирмалаш агрегатининг ишчи қисмларини (дискларнинг ишлов бериш чуқурлиги, ўрнатиш бурчаги ва бошқ.) ростлашда даланинг тупроқ-иқлим шароитини (туроқнинг намлиги, нотекислиги ва ҳ.к.) ва ўсимликларнинг ҳолатини (ўсимликлар тури, поясининг баландлиги, ифлосланганлик даражаси ва бошқ.) ҳисобга олган ҳолда бевосита дала шароитида ўтказиш ҳамда иш сифатини доимо назорат қилиш;
- кўп йиллик илдизидан кўпаядиган (ажриқ, ғумай, қамиш ва бошқалар) бегона ўтлар босган майдонларга ишлов беришда дискли тирмалардан фойдаланишга умуман йўл қўймасликка алоҳида эътибор бериш керак.

Юқоридаги чора-тадбирларнинг агротехника талаблари даражасида бажарилиши кузда ҳайдалган, бегона ўтлар билан ифлосланган майдонларга ишлов бериш самарадорлиги ва сифатини кескин оширишга имконият яратади.

**С.АЛИҚУЛОВ**
*т.ф.н., доцент, (ТИҚХММИ).*

Февраль – бошқа ойларга нисбатан қисқа ой. Бир зумда поёнига етди. Мартда эса ўлкамизга фасллар келинчаги баҳор келиб, экин-тикин ишлари бошлаб юборилди. Шу боисдан ҳам деҳқон ҳаммасига улгуриши керак. Чунки, баҳорнинг бир куни йилга татийди.

Айни кунларда сувчи-ю ирригаторлар, миробларнинг ҳам иши “болалаган”: каналлар, сойлар, коллектор-дренаж тизимлари тартибга келтирилмоқда. Чунки, сув равон оқса, у исроф бўлмайди. Аксинча бўлса, қирғоқлардан тошиб, деҳқону сувчиларга қўшимча ташвиш келтиради.

Айтиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 ноябрдаги «2018–2019 йилларда ирригацияни ривожлантириш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикасида 45,2 километр узунликдаги каналлар, 32 та гидротехник иншоотларни реконструкция қилиш, “Шўрбулоқ”даги қурилиш ишларини амалга ошириш белгиланган. Бу борада белгиланган ишлар муваффақиятли амалга оширил-

Янги лойиҳаларнинг амалда қўлланилиши туфайли республикамизнинг барча вилоятлари суғориш тизимида янгича йўналишлар жорий қилиниб, қатор канал ва зовурлар қазилмоқда, бетон қопламалар ётқизилмоқда, сув иншоотларининг тўла куч билан ишлаш меъёрлари белгиланиб, таъмирлаш ишлари давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазирлиги томонидан белгиланган вазифаларни бажариш бўйича Хоразм вилоятида олиб борилаётган ишлар билан танишиш мақсадида “Topalang HPD platinum”га бордик. Бинода бизни кутиб олган ишлаб чиқариш техника бўлими муҳандиси Манучеҳр Нуруллаев билан иш давом этаётган объектларга йўл олдик.

Вилоятдаги Тошсоқа тизим магистрал суғориш каналларини қайта таъмирлаш лойиҳаси Ислом тараққиёт банки билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда. Тошсоқа Хоразм вилоятини сув билан таъминлашнинг асосий тизими бўлиб, 4 та – Тошсоқа, Шовот, Полвон, Ғазовот, Ғозовот каналларидан ташкил топган. Бу каналлар тизимидан илгари Туркманистон Республикаси аҳолиси ва қишлоқ хўжалиги ҳам сув билан таъминланиб келинган.

# O‘ZBEKISTON QISHLOQ VA SUV XO‘JALIGI

АГРАР-ИҚТИСОДИЙ, ИЛМИЙ-ОММАБОП ЖУРНАЛ

**МУАССИСЛАР:**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАРИ

**ҲАМКОРИМИЗ:**

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш маркази



**Бош муҳаррир:**

Тоҳир ДОЛИЕВ

**Таҳрир ҳайъати:**

Аброл ВАХАБОВ
Жамшид ХЎЖАЕВ
Шавкат ХАМРАЕВ
Шуҳрат ТЕШАЕВ
Баҳодир РЎЗИБОЕВ
Баҳодир ТОЖИЕВ
Тўлқин ЭШНАЗАРОВ
Абдушукур АБДУЛЛАЕВ
Баҳром НОРҚОБИЛОВ
Низомиддин БАКИРОВ
Ботиржон СУЛАЙМОНОВ
Ўктам УМУРЗОҚОВ
Алишер МАҚСУДОВ
Мурат САЛИХОВ
Равшанбек СИДДИҚОВ
Мирзиёд МИРСАИДОВ
Бахтиёр КАРИМОВ
Ибрагим ЭРГАШЕВ
Мурод АШУРОВ



**2019 йил, №3. Март**

Журнал 1922 йил октябрдан чиқа бошлаган.

Обуна индекси:
якка обуначилар учун – 894
ташкилотлар учун – 895


## МУНДАРИЖА


**Т.МУҲАММАД.** Бунёдкор халқ баҳори ....1
**Р.СИДДИҚОВ, Н.ЮСУПОВ.** Ғалла ҳосили салмоғи бугунги ҳаракатга боғлиқ ....2
**Р.АБДУЛЛАЕВ, Х.АБДУЛЛАЕВА, Ж.АГЗАМХОДЖАЕВ.** Боғларда баҳор нафаси ....4
**Р.ХАКИМОВ, М. ФАЙЗИЕВ.** Эртаги тарвуз етиштириш технологияси....7
**А.МЎМИНОВ, З.ЯҚУБОВ, Ф.УЗАҚОВ.** Соя етиштиришдаги агротехник тадбирлар....8
**А.УМУРЗАКОВ, К.ИСАКОВ.** Нўхатни эрта экиш – мўл ҳосил гарови....10
**С.МАВЛАНОВ, Д.ДЕҲҚОНОВА, У.ЭРГАШЕВ, Д.ДЖАББОРОВА.** Чорвачилик ва балиқчиликда баҳорда амалга ошириладиган зооветеринария юмушлари....12
**М.ТОШБОЛТАЕВ.** Таъмирдан чиқарилган ғалла комбайнларининг сифатини текшириш ....14
**С.АЛИҚУЛОВ.** Дискли тирмалардан самарали ва мақсадли фойдаланиш ....16
**Р.ҚОЗОҚОВ.** Энасой тўлиб оқади ....17
**Ш.ЖАББАРОВА.** Сувчиларнинг қутлуғ ишлари....17
**Г.АЛИМОВА.** Ҳар қатраси қадрли неъмат ....18
**К.ЭРГАШЕВ.** Сув – ҳаёт манбаи ....19
Сув заргари саодати....22
Юрт фаровонлиги йўлида ....23
Бугунги ҳаракат – эртанги баракат ....24
**М.КОМИЛОВ.** Ёш деҳқон энциклопедик луғати ....25
**Ш.УММАТОВ.** Йил ва йўл бошидаги ўйлар....26
**Р.ЮСУПОВА.** Она юртга ўтли муҳаббат ....28
**Ф.МИРЗАЕВ.** Дунёни забт этган неъмат....29
**Р.ҚОЗОҚОВ.** Кўклам – меҳнат билан кўркам ....30
**Р.ТОЖАЛИЕВА.** Фойдали ҳашаротлар фойдаси ....32
Эркабой «тўппили»нинг неваранси....32
**М.ФАЙЗУЛЛА.** Омилкорга омад ёр....33
Орзу етаклаган йўлларда....34
Халқимиз учун яна бир имконият ....34
**З.ЖУМАЕВА, И.ҲАСАНОВ.** Ширинмия майдонларини кўпайтирайлик.... 35
**С.РАХМОНҚУЛОВ, Х.МАРДАНОВ.** Гармселнинг ғўза ҳосилига таъсири .... 37
**Ч.ҚАШҚАБОЕВА.** Шоли дон қипиғи ва похолидан самарали фойдаланиш технологияси....38
**Ж.ФАЙЗИЕВ, Б.МИРЗАХИДОВ.** Узумнинг истиқболли нав ва дурагайлари ғужуми ва қуритилган маҳсулотини дегустацион баҳолаш ....40
**М.НОРҚОЗОҚОВА, У.УМУРЗОҚОВА, С.АХМЕДОВ.** Сўрувчи зараркунандаларнинг ривожланишига минерал ўғитлар меъёрининг таъсири....41
**Д.ЖАНАКОВА.** Олтинсимон қорағат навларида ўсув даври фазаларининг ўтиши ....43
**М.БУРХОНОВА.** Суғориладиган майдонларнинг шўрланиш сабаблари ва уларни қайта тиклаш чора-тадбирлари....44
**Ч.РИЗАЕВ.** Тупроқ ҳиди. Бобомнинг жасорати....45
Баҳор илҳомлари....46
Эзгуликдан яралган бахт....47



Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2019 йил 10 январда 0158-рақам билан қайта рўйхатга олинган.



**Манзилимиз:** 100004, Тошкент Шайхонтоҳур тумани, А. Навоий кўчаси, 44-уй.
**Тел:** +998 71-242-13-54, +998 71-242-13-24.
**www.qxjurnal.uz**
**E-mail: uzqx_jurnal@mail.ru, qxjurnal@agro.uz**



© **«O‘zbekiston qishloq va suv xo‘jaligi»**



Босмахонага топширилди: 2019 йил 4 март. Босишга рухсат этилди: 2019 йил 4 март. Қоғоз бичими 60х84 1/8. Офсет усулида офсет қоғозига чоп этилди. Шартли босма табоғи 4,2. Нашр ҳисоб табоғи 5,0. Буюртма № . Нусхаси 1900 дона.
**«HILOL MEDIA» МЧЖ матбаа бўлимида чоп этилди.**
**Корхона манзили:** Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Шараф ва Тўқимачи кўчалари кесишуви.

Навбатчи муҳаррир: **Б.ЭСОНОВ**
Дизайнер: **Н.БОЛТАЕВА**